



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

SUCCESSION IS THE MAIN PRINCIPLE OF DEVELOPMENT OF NATIONAL MUSIC CULTURE

Takhirjon N. Shakirov

Lecturer

Fergana State University

Fergana, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: culture, national culture, music culture, folklore, epic, status art, succession and heritage, national heritage, heir, ethnos, nation, perfect generation, person.

Received: 04.11.22

Accepted: 06.11.22

Published: 08.11.22

Abstract: In this article, the essence of the concept of succession, the fact that succession is the main principle in the development of national music culture, the influence of national cultures on each other, the place and role of cultural traditions in the historical process is incomparable, as well as the main principle of folklore, epic, status art, which is the basis of national music culture in succession. is analyzed as

ВОРИСИЙЛИК – МИЛЛИЙ МУСИҚА МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИ

Тоҳиржон Н. Шокиров

Ўқитувчи

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: маданият, миллий маданият, мусиқа маданияти, фольклор, достончилик, мақом санъати, ворисийлик ва мерос, миллий мерос, меросхўр, этнос, халқ, баркамол авлод, шахс.

Аннотация: Мазкур мақолада ворисийлик тушунчасининг мазмун-моҳияти, миллий мусиқа маданиятни ривожлантиришда ворисийлик асосий тамойил бўлишилиги, миллий маданиятларнинг бир-бирига таъсири, тарихий жараёнда маданий анъаналарнинг ўрни ва роли бекёёс эканлиги, шунингдек, ворисийликда миллий мусиқа маданиятнинг асоси бўлган фольклор, достончилик, мақом санъатининг асосий тамойили сифатида таҳлил қилинади.

ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ – ГЛАВНЫЙ ПРИНЦИП РАЗВИТИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ МУЗЫКАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ

Тахирджон Н. Шакиров

преподаватель

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: культура, национальная культура, музыкальная культура, фольклор, эпос, статусное искусство, преемственность и наследие, национальное наследие, наследник, этнос, нация, совершенное поколение, личность.

Аннотация: В данной статье несравнима сущность понятия преемственности, то, что преемственность является основным принципом в развитии национальной музыкальной культуры, влияние национальных культур друг на друга, место и роль культурных традиций в историческом процессе, а также последовательно анализируется основной принцип фольклорного, эпического, статусного искусства, составляющий основу национальной музыкальной культуры.

КИРИШ

Ҳар бир авлод маданий ривожланишни бўш жойдан эмас, балки ўзидан олдинги авлодлар яратган миллий қадриятларни ўзлаштиришдан бошлайди. Бу ўзлаштириш ўзига хос бир хом-ашё, янги қадриятларни яратиш, маданият, шу жумладан, миллий мусика маданиятни юқори босқичга кўтариш йўлида таянч вазифасини ўтайди. Мана шу икки жараён – эскилик билан янгилик ўртасидаги объектив зарурий боғланиш ворисликнинг моҳиятини ташкил этади.

“... Дунё аҳлини баҳраманд қилиш, келгуси наслларга безавол етказиш турли қитъя ва мамлакатлар вакилларини бу гўзал масканда мужассам этган...”[1,100] миллий мусика маданияти бугунги кунгача безавол етиб келмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маданиятда ворислик ҳақида гап кетганда тараққиётга хизмат қиласиган (прогрессив) ва ривожланишга тўсиқ бўладиган (реакцион) ҳамда позитив ва негатив ворисликни фарқлаш катта аҳамиятга эга. Маданият ўз ривожланишининг ҳар бир босқичида олдинги давр натижаларига таянади. Ривожланишнинг кейинги босқичларида олдинги давр натижаларининг сақланиб қолиши ворисликнинг позитив мазмунга эгалигини кўрсатади. Олдинги давр натижаларига таяниш фақат ижобий ҳодисаларнигина сақлашни англатмайди. Балки маданият тарихида кўп асрлар давомида тўғри деб ҳисобланиб, кейин нотўғрилиги тасдиқланган ҳодисалар ҳам маълум. Масалан,

Демокритнинг “атомлар оламнинг энг майда, бўлинмас, охирги ғиштчаларидир” деган қарашларини олишимиз мумкин.

ХХ аср бўсағасида фан ривожланиши атомлар сўнгги “ғиштча”лар эмаслигини, у мураккаб тузилишга эгалигини кашф қилди. Лекин, бу Демокрит қарашлари илм-фан, кенгроқ айтганда маданият ривожида ҳеч қандай роль ўйнамади, дейишга асос бўла олмайди. Чунки атомлар “оламнинг охирги ғиштчалари”дир, - деган фикр бу “ғиштча”ларни топиш ва айни пайтда, уларнинг “охирги” эмаслигини исботлашга олиб келди. Бу нотўғри тасаввурларни танқидий ўзлаштириш, тўғриланган ҳолда қабул қилиш, яъни негатив ворислик маданий ривожланишнинг муҳим хусусияти эканини кўрсатади.

Маданият, жумладан, миллий мусиқа маданиятининг ривожланишида ворислик ҳамиша олдин эришилган натижаларни сақлаб қолиш ва ижодий ривожлантиришнинг диалектик бирлиги сифатида чиқади. Ана шундай жараён натижасида маданиятнинг “анъаналар” деб аталадиган барқарор, консерватив элементлари юзага келади. Анъаналарсиз маданият ва маданий тараққиёт бўлиши мумкин эмас.

Ворисийликда маданий анъаналарнинг ўрни ва роли беқиёсдир. Зеро, улар туфайли асрлар давомида тарихий тажриба тўпланиб, аждодлардан авлодларга ўтади, кишилар бирлигининг муайянлиги таъминланади, ўзликни сақлаб қолиш имконияти пайдо бўлади. Маданий анъаналар деганда факат, айрим ҳолларда бўлганидек, маросимлар ва урф одатларни тушуниш уччалик тўғри эмас. Чунки бир томондан, кишилик жамияти ривожланиши давомида юзага келган ҳар қандай маросим, урф-одатлар ҳам узоқ яшамаслиги, демакки, анъанага айланмаслиги мумкин. Иккинчи томондан, маданий анъаналар тушунчаси маросимлар, урф-одатлар каби ҳодисаларни ҳам ўз ичига қамраб олган ҳолда уларга нисбатан кенгроқ мазмун касб этади. Зеро, маданий анъаналар ворисийлик асосида авлоддан авлодга ўтиб борадиган, тарихан қарор топган ва ижтимоий онгнинг таркибий қисмига айланган ғоялар, қарашлар, тасаввурлар, билимлар, қадриятлар, хулқ нормалари ва шу каби жараёнларни ҳам ўз ичига олади.

Маданиятнинг, шунингдек, миллий мусиқа маданиятининг ҳар бир соҳасида анъана ўзига хос кўринишга эга бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш, фан йўналишида бўлгани каби, санъат соҳасидаги анъаналар ҳам бир-биридан ўзининг такрорланмас бўёқлари билан ажralиб туради. Шунингдек, мусиқа маданиятининг янги мазмuni ёш авлодни миллий мусиқа меросимизга ворисийлик қила оладиган, умумбашарий мусиқа бойлигини идрок эта оладиган, маданиятли инсон даражасида вояга етказиш назарда тутилади[2,4]. Агар маданиятда фақат ўтмиш натижаларини ўзлаштириш ва такрорлашдан нарига ўтилмаганда эди, инсоният ўз маданий ривожланишини таъминлай олмаган бўлар эди.

Ҳар бир авлод ўзидан олдинги натижаларга таяниб, уларни ижодий ривожлантиради, бойитади, янги, юқоригоқ босқичга кўтаради. Шу нуқтаи назардан қараганда, маданий меросга нисбатан менсимасдан қараш салбий ҳодисаларга, фожеавий оқибатларга, муҳим маданий ютуқларнинг йўқолишига олиб келади. Айни пайтда, анъаналар олдида кўркўона сажда қилиш миллий маданиятда турғунликни келтириб чиқаришини ҳам ёддан чиқармаслик зарур.

Жаҳон тарихига мурожаат қиласиган бўлсак, маданий меросга муносабат доимо зиддиятли бўлганини кўрамиз. Хусусан, ижтимоий гурухлар ва синфларнинг пайдо бўлиши билан маданий меросга уларнинг қизиқишлиари, манфаатларидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш шакли тарих саҳнасига чиқди. Натижада кўплаб тарихий обидалар, ёдгорликлар, адабиёт ва санъат асарлари аксарият ҳолларда муайян ижтимоий гурухлар манфаатига зид ҳодисалар сифатида вайрон қилинди, ёкиб юборилди ёки эътиборсиз қолдирилиши оқибатида аста-секин йўқ бўлиб кетди. Бундай фожеавий ҳодисалар айникса, миллий, гурухий, синфий зиддиятлар кескинлашиб кетган даврларда кўплаб содир бўлди.

Халқимиз тарихига мурожаат қиласиган бўлсак, бундай фожиавий ҳодисалар кўплаб бўлганини, синфийлик нуқтаи назаридан баҳолаш натижасида, қирғинбарот урушлар оқибатида бетакрор миллий маданий меросимиздан маҳрум бўлганимизни кузатиш мумкин. Шу жиҳатдан олганда, Октябрь тўнтаришидан кейинги давр ғоят таҳликали бўлганини таъкидлаш зарур. Чунки бу даврда миллий маданиятга синфийлик нуқтаи назардан қараш устувор бўлиб келди. Октябрь воқеаларидан кейин юзага келган, ўтмиш маданиятига таянмаган, уни бутунлай йўқ қилган ҳолда янги – пролетар маданиятини яратиш шиори билан чиқсан “Пролеткульт” ташкилотининг фаолияти ғоят салбий бўлди. Гарчанд расмий большевик раҳбарлари бундай қарашларни қоралаган бўлсалар-да, маданий меросга “оқми-қора” руҳида қарашнинг устуворлиги ўта мудҳиш оқибатларга олиб келди. Хусусан, 1950-йилларда 20000 дан кўпроқ маданий ёдгорликлар вайрон қилинди. Фарғона водийсидаги тарихий ёдгорликларнинг учдан бир қисмигина омон қолди, холос[3,70]. Булар ҳам етмаганидек миллий-маданий мероснинг кўпгина қатламларини ўрганиш қатъиян ман қилинди. Уларга “синфий заарли” ва “ғоявий хавфли” ҳодисалар тамғаси босилди. Бундай ман этишларни бузган, миллатимиз тарихи, маданий меросини ўрганишга ҳаракат қилган кишилар қаттиқ сиқув остига олинди. 1940-йилларда М.Шайхзоданинг “Жалолиддин”, 1970-йилларда И.Мўминовнинг “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги ўрни ва роли”, 1980-йилларда П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асарларига “феодал ўтмишни идеаллаштириш” айби қўйилгани

фикримизга далил бўла олади. Ваҳоланки, бу асарларда ўзбек халқининг уч буюк фарзанди – Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Мирзо Бобурларнинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти билан боғлиқ реал тарихий ҳодиса ва жараёнлар акс этган эди.

Миллий меросимизга синфийлик пардаси остидан қарашнинг заарли оқибатлари, афсуски, фақат юқоридагилар билан чекланмайди. Миллий маданий меросимизнинг кўпгина қатламлари ўтмиш сарқитлари, кераксиз, умрини яшаб бўлган, патриархал ҳодисалар сифатида баҳоланди. Оқибатда халқимизнинг ноёб дурдоналари бўлган “Мақом”, “Бахшичилик”, халқ оғзаки ижоди бўлган “Фолқъор” санъатининг йўқ бўлиб кетиш холатига тушиб қолди. Бу соҳаларда тўпланган тажриба ва ютуқларни бугунги кунда мисқоллаб қайта тиклашга тўғри келмоқда.

Воқеликка синфий ёндашув халқ оғзаки ижодида ҳам фожеали из қолдирди. Бу даврнинг мудҳиши қиёфаси Курбонназар Абдуллаев (Бола бахши)нинг қуйидаги сўзларида ўзининг ёрқин ифодасини топган: “1933-1940 йиллар ораси кўрқинчли йиллар. Энг яхши кишилар бедарак кетар, китоблар, қўллётмалар йўқ қилинар... Ўша пайтда “ўтмиш сарқити”, “феодал даври маҳсули” сифатида мақом ва достонларни ижро этиш ман қилинди. Мен етти йил достон айтмадим. Айтган бўлсан ҳам яширини тарзда, кимга бутунлай ишонсам ўшаларга айтиб юрдим”[4,1].

Юқоридаги каби ўта заарли жараёнлар натижасида миллий мусиқа маданиятидаги ворислик жараёнида узилиш содир бўлди. Бунга кўп асрлар давомида сайқалланиб келган миллий мусиқа маданиятилизнинг мумтоз йўналишлари бўлган, маданий меросимизнинг ажойиб намуналари сифатида яратилган “Мақом”, “Бахшичилик”, халқ оғзаки ижоди бўлган “Фолқъор” санъатидан маҳрум этилганимиз, буларнинг барчаси шунга олиб келдики, тарихимиз ҳақида ғира-шира тасаввурлар билан униб-ўсдик, маданий меросимизнинг ажойиб намуналаридан бебаҳра бўлиб келдик. Мустақиллик шарофати туфайли республикамизда бу соҳада йўл қўйилган камчиликларга барҳам берилди, асрларга тенгдош миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз тикланди.

Бугунги кунда маданий меросимиз бўлган миллий мусиқа маданияти ўзининг бутун салоҳияти билан халқимиз маънавий дунёсининг узвий қисмига айланиб бормоқда. Ворислик механизмлари тикланиши натижасида миллий мусиқий маданиятилиз яхлит, хилма-хил ранглар ва жилолардан иборат бир бутун ҳодиса сифатида камол топмоқда. Бу эса, Янги Ўзбекистонда “...ана шу бетакрор мусиқий меросимизни ворисийлик асосида чуқур ўрганиш, мусиқа санъатини янада ривожлантириш, кенг оммага етказиш имконини яратди”[5,76]. Айни пайтда, миллий мусиқа маданиятилизнинг асоссиз тарзда

унутилаёзган анъаналари кенг миқёсда тикланмоқда, буюк аждодларимиз ҳёти ва ижодига эски андазалару стереотиплардан холи бўлган ҳолда баҳо берилмоқда.

Буюк Турон заминида миллий мусиқий маданиятнинг ривожланиши ва кейинги авлод етиб келишида Шарқ алломаларидан Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Нажмиддин Кавкабий, Дарвиш Али Чангий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мутафаккирларнинг ҳамда Юнус Ражабий, Исҳоқ Ражабий, Отаназар Матёқубов сингари мусиқашунос олимларнинг асарлари ҳар томонлама тадқиқ этилаётгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади. Энг муҳими ҳалқимиз бу соҳаларда бой маданий меросга эгалиги маълум бўлди. Ушбу соҳаларда эришилган ютуқлар бугунги кунда маданий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланган.

1917 йил Октябрь воқеаларидан кейин турли баҳоналар остида Россияга олиб кетилган 1231 та граммофон ёзувларининг 296 таси 1907-1912 йилларга оид бўлиб, катта тарихий аҳамиятга эга бўлган. Россия фото ва кино ҳужжатлар Давлат архивида эса бизнинг тарихимиз акс этган 622 та кинохужжат мавжуд бўлиб, уларнинг 218 таси юртимиз архивларида йўқ”[6,15].

Миллий тарихимиз акс этган, ҳалқимизнинг орзу умидлари, интилишлари, анъаналари ўз ифодасини топган ана шу улкан миллий маданий меросимизни ўрганмай, илмий тадқиқ этмай туриб мамлакатимиз тарихи, маданияти, жумладан миллий мусиқа маданияти ривожланишининг турли босқичларидаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўлиқ ва тўғри тасаввурга эга бўлиш қийин, албатта.

Санъат соҳасида янгиланиши янги ифода усуллари, жанрларнинг кириб келиши, айни пайтда, у ёки бу конкрет санъат асарларининг кишилар дунёқарashi, маънавий дунёсининг бойишига таъсири ҳамда ижодкорларнинг улар таъсирида янгича мазмун билан сугорилган санъат намуналарини яратишдек серқирра жараёнларни қамраб олади.

Миллий мусиқа маданияти миллий қиёфани белгилаб берадиган, инсон қалбига эзгу ғоялар, беғубор туйғуларни сингдирадиган омиллардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳалқимиз қадимдан юксак мусиқий салоҳиятга эга бўлганини алоҳида қайд этиш лозим. Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан 3 минг 300 йил муқаддам суюқдан ясалган мусиқа асбоби – най топилгани, Форобий, Ибн Сино, Навоий, Бобур каби буюк аждодларимизнинг мусиқашуносликка оид қарашлари ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради. Ана шу бетакрор миллий мусиқий меросмизни чукур ўрганиш, мусиқа санъатини янада ривожлантириш, уни кенг оммага етказиш имконини яратди. Бу борада қилинаётган ишларнинг истиқболли мазмун касб этишида миллий мусиқа санъати ривожи учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бошланғич мусиқа таълими,

болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини тубдан такомиллаштириш ишларини янги, янада юксак поғонага олиб чиқиш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Ворисийликнинг асосий тамойиллари қуйидаги хусусиятларда намоён бўлади:

Ворисийликнинг узвийлигига, яъни, аждодлар яратган жамики маънавий бойликка янги авлод меросхўр бўлади, тарихий аҳамиятини йўқотган маданият ўрнини яна маданиятлар вужудга келади, аввалгилардан кўп нарсалар ўзлаштирилади. Ўтмиш тажрибаси бугун ва келажак учун ҳар доим асқотиши мумкин, шунингдек, бугун унитилган нарсалар бутунлай йўқолиб кетмайди. Масалан, В.Шекспир юз йилча унитилиб, кейинги авлодлар учун жаҳон адабиёти ва драмматургиясининг классиги сифатида танилди.

Ўтмишдан келажакка ўтиш жараёнида мероснинг ўзгариши, яъни, ўтиш даврида хусусияти ўзгариши мумкин. Мавжуд нутқаи назар ва билимлар талабига мос келувчи янги талқинидаги мазмун касб этади. Мана шундай кўринишида у келажакка мерос бўлиб ўтади. “Қадимий санъат шу тариқа кўз қорачиғидай асралиб, авлоддан-авлодга ўтиб келди”[7,278].

Ўтмишдан қолган барча нарсалар бутунлай ўзлаштирилмайди, балки янги давр ва талабига, руҳий жавоб берувчи, моҳиятдан зарур нарсаларгина олинади. Хозирда эскирган ва керакмас деб ҳисобланган нарсалар, келажакда балки янги моҳият ва муҳим аҳамият касб этар.

Ҳар бир этнос халқ ўзининг мустақил бетакрор беҳад ноёб маданиятига эга. Халқлар ҳаётининг минтақавий тарихий ўзига хослиги ҳар бир халқ маданиятининг ривожланиши учун шароит яратиб беради у ёки бу этнос ҳаётининг сакланиб қолиши ва барҳаётлигига имкон туғдиради. Шу тарзда миллатлар олами умумий коинот шаклланади унда инсон ва уни тарихан ўраб турувчи табиат уйғунлашиб этносларнинг ижтимоий руҳиятига таъсир кўрсатади миллий хусусият шаклланади ва унинг амалий фаолият йўналишини аниқлайди. Мана шу бошлангич маданият оламида инсон туради бу ерда унинг муҳим ўрни мақсади шаклланади унинг диди ҳаётий орзузи пайдо бўлади. Инсон маданиятларга меросхўр сифатида миллий мулкини ўзлаштиради. Намунавий хулқ қадриятларини асрашда ва келажакка қолдиришда жамиятда одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибда солувчи аниқ барқарорлик бўлиши зарур. Маданиятнинг мавжудлиги ва ривожланиш анъанасида маданиятларни асраш усулида ҳам бу барқақролик бор.

Анъана маданиятда янги одатлар билан уйғунлашиб кетади. Инсонга нафақат билим шунингдек, ҳаёт фаолиятида анъанавий ибратлар ва яхши ўзлаштирилган маҳорат ва кўникума ҳам зарур. Бироқ, ижодкорликнинг бошланиши фикрлаш жиҳатдан дастлабки

эслаб тасвирлашдан кўра сермаҳсулликни вужудга келтиради. Маданиятнинг ривожланиш жараёни ижодкорликнинг субъекти саналган шахснинг шаклланиши жараёни билан бирга кечадиган ҳодисадир, яъни, инсон нафақат жамиятда мавжуд бўлган маданий меъёрлар, анъана ва ибратлар, балки маданий жараёнларнинг ривожланиб бориши ҳам қўллади.

Узоқ давом этган қаттиқ мафкуранинг тазиикларига қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини ворисийлик асосида сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоя улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига қўтарилиган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”[8,137].

ХУЛОСА

Ўзбек халқининг миллий мусиқа маданияти мероси минг йиллар давомида яратилган. Унда турли даврларда Ўзбекистон худудида эътиқод қилинган зардўштийлик, буддизм, ислом ва бошқа динлар яратган маънавий-аҳлоқий қадриятлар мужассамлашган. Миллий мусиқа маданияти ривожланишида ўзининг беназир хиссасини қўшган бутун дунёга машҳур Фаробий, Ибн Сино, Улуғбек, Жомий, Алишер Навоий каби қўплаб буюк мутафаккирларнинг билими ва салоҳияти гавдаланган, бу меросда Амир Темур ва Бобурларнинг давлатчилик ва сиёсат қурилиш тажрибалари; буюк меъморчилик ёдгорликлари, тасвирий санъат, мусиқа, амалий санъат асарлари: халқ урф-одатлари ва анъаналари, миллий спорт турлари уйғунлашган.

Ўзбекистонда ҳар икки йилда “Шарқ тароналари” каби мусиқа фестивалларини ўтказиш яхши анъанага айланниб қолди. Халқ баҳшичилик санъатига эътибор кучайиб Республика конкурсларини ўтказилмоқда. Юқорида таъкидлаганидек, маданий қадриятлардаги ворислик жараёни нафақат миллий маданиятлар ривожидаги ворислик бўлмай, балки бошқа халқлар маданиятидаги ютуқларни умумлаштиришдан ҳам иборатдир. Марказий Осиё минтақасида яшовчи халқларнинг миллий маданияти қадим замонларда ҳам Фарб ва Шарқ мамлакатлари билан яқин маданий алоқалар асосида ривожланган.

Ҳозирги даврда ҳам миллий мусиқа маданиятни тиклашга асосий эътиборни қаратган ҳолда Ўзбекистон халқи жаҳон маданияти ва цивилизациясининг замонавий ютуқларини эгаллашга харакат қилиб, жаҳон маданияти ривожига ўзининг муносиб хиссасини қўшмоқда. Демак, миллий мусиқа маданияти ривожлантиришда ворисийлик асосий тамойил сифатида катта аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улугъ халқнинг иши ҳам улугъ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Т.: Ўзбекистон НМИУ. 2019. –Б. 100
2. Абролова М., Галиева Д. Мусика. 2- синфлар учун. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. –Т.: Гофур Фулом номидаги нашриёт-мабаа ижодий уйи. 2008. –Б. 4
3. Ибрагимов Н. Нет народа без храма. // Человек и политика. 1991. № 10. –Б. 70
4. Газета Правда Востока. 1989. 1 февраля
5. Шермуҳаммедов С. таҳрири остида. Маданият фалсафаси. –Т.: Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университети. 2009. –Б. 76
6. Осори атиқалар юртимиизга қайтади. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 2020. 15 март.
7. Жабборов И. Юксак маданият ва ноёб маънавият маскани. –Т.: Ўзбекистон. 2012. –Б. 278
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон. 1997. –Б. 137.
9. Nurmamatovich, S. T. (2021). THEORETICAL OF NATIONAL MUSIC CULTURE FUNDAMENTALS.
10. SultonaliMannopov, AbdulhayKarimov, AbdusalomSoliev, UlugbekIsakov, TokhirShokirov, RustamOrziboev. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845 –. Retrieved from <https://www.annualsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/3280>
11. Abdusattorov, A. About Makom Melodies Adapted for Orchestra of Uzbek Folk Instruments. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 2(11), 28-30.
12. Kurbanova, B., Khurshid, M., & Tokhirjon, S. (2022, May). THE ROLE AND IMPORTANCE OF A SYSTEMATIC APPROACH TO TEACHING IN THE FINE ARTS. In *Archive of Conferences* (pp. 105-107)
13. Мамазияев Хуршиджон Аъзамжон Ўғли МАҚОМ САНЪАТИДА МУСИКА ЧОЛҒУЛАРИНИНГ ТАДРИЖИ // SAI. 2022. №C3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ma-om-sanatida-musi-a-chol-ularining-tadrizhi> (дата обращения: 05.10.2022).
14. Mamirjonovich, M. N., Jumadillayevich, S. R., & Anvarovich, M. A. (2021). The Role Of Historical Monuments In The Development Of Central Asian Architecture. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(02), 1-5.

15. Nodirjon, M., Abdusalom, M., & Ozodbek, S. (2021). TECHNOLOGIES OF TEACHING FINE ARTS WITH MODERN METHODS.

16. Шокиров Тохиржон Нурмаматович (2022). МИЛЛИЙ МУСИҚА МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (фольклор, достончилик, мақом мисолида). Science and innovation, 1 (C3), 31-38. doi: 10.5281/zenodo.6659973